

Кардарий



15:00 / 03.03.2019 3330

Аллома, машриқ фақиҳи, шамсул аимма Абул Ваҳда Муҳаммад ибн Абдусаттор ибн Муҳаммад Имодий Кардарий Ҳанафий Баротқиний.

Баротқин - Кардарнинг бир томони. Кардар - Хоразм диёрининг катта ноҳияси.

У кишининг таржимаи ҳолларини менга Абул Ало Фаразий айтиб бердилар: «Бу киши - имомларнинг мутлақ устози. Ҳузурларига дунёнинг турли томонидан толиби илмлар ёғилиб келган. Хоразмда “Шарҳул мақомот” китоби муаллифи Бурҳониддин Носир ибн Абдусайид Мутарризийдан қироат илмини, Самарқандда шайхулислом Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил Марғинонийдан фикҳни ўрганганлар ва ҳадис эшитганлар. Бухорода аллома Бадриддин Умар ибн Абдулкарим Варсакий, Абул Маҳосин Ҳасан ибн Мансур Қозихон ва бошқалардан фикҳдан таълим

олганлар. Ҳанафий мазҳаби ва унинг усулларини билишда юқори мақомга эришганлар. Кўплардан фикҳ илмини ўрганганлар. Бухорода бўлганларида ҳузурларига илм ўрганиш учун кўп кишилар келган. Улар: акаларининг ўғиллари аллома Муҳаммад ибн Маҳмуд Фақиҳий, шайх Сайфиддин Бохарзий, аллома, дин ҳофизи Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср Бухорий, Заҳириддин Муҳаммад ибн Умар Нужобозий ва бошқалар».

Фаразий буларнинг ҳаммаларини номма-ном зикр қилганлар ва: “У ки-ши 559 йилда таваллуд топдилар. 642 йил муҳаррам ойида Бухорода вафот этдилар. Имом Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб Ҳорисийнинг ёнларига дафн қилиндилар”, – деганлар.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан